


# КУЙДИРГИ КАСАЛЛИГИДАН ОГОХ БЎЛИНГ



*Куйдирги касаллиги-зооантрапоз касаллик бўлиб одамлар ва хайвонларда учрайдиган ўта хавfli ва юқумли касалликдир.*

Касаллик қўзғатувчиси-тупроқ инфекцияси бўлиб, хайвонларда аликентар йўл билан ем-хашак орқали юқади, одамларга тупроқда яланг оёқишлаганда, пахса (девар) урганда, кулолчиларда, дехқончилик ишлари химояланмаган йўл билан ишлаганда, очиқ жарохат орқали, куйдирги билан касалланган хайвонларни сўйиш, терисини шилиш, гўштини майдалаш, кала-поча ва ошқозон-ичакларини тозалаш жараёнларида юқади.



*Хайвонларда куйдирги касаллиги жуда оғир кечиб, тана харорати тўсатдан 40-41 Сгача кўтарилади, ичакларидан қон кетади, холсизланиб ётиб қолади ва бу холат ўлим билан якун топади.*



*Куйдирги касаллиги хайвонлардан-хайвонларга, хайвонлардан-одамларга юқади, лекин одамдан –одамга юқмайди.*


### **КАСАЛЛИК ОДАМЛАРДА ҚАНДАЙ КЕЧАДИ?**

*-Одамларда касаллик асосан (98.0-99.0% холатларда) тери яраси (корбункул) шаклида наоён бўлади.*

*-Беморларда тана харорати кўтарилади.*

*-Куйдирги яраси оғриқсиз бўлади, ярагинг устки қисми кўмир рангига ўхшаш қора пўмтлоқ билан қопланади, яра атрофи қизариб, шиш пайдо бўлади.*

*-Куйдирги яраси кўпинча баданнинг очиқ қисмларида (қўл, оёқ, юз, бўйин) учрайди.*



**КУЙДИРГИ КАСАЛЛИГИДАН САҚЛАНИШ УЧУН:**

*-чорва молларини ветеринар кўригидан ўтказиб, куйдирги касаллигига қарши эмлатиш;*

*-касал бўлган хайвонларни ветеринар рухсатисиз сўйилишига йўл қуймаслик, молларни фақат кушона ва сўйиш майдончаларида ветеринар кўригидан ўтказилгандан сўнг сўйиш;*

*-дуч келган жойлардан гўшт сотиб олмаслик, гўшни гўшт павилёнлари ва дўконлардан харид қилиш;*

*-ҳайвонларни парвариш қилишда шахсий гигиена қоидаларига қатъий риоя этиш;*

*-чорва моллари касалланганда, зудлик билан ветеринария хизмати идораларига мурожат қилиш керак.*

